



## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Абдужаборова Маъмурат Тошмуҳамадовна -**  
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси доценти, PhD

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a32](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a32)

**Аннотация.** Мазкур мақолада молиявий барқарорлик тушунчаси, унинг мазмуни, мавзунинг долзарбилиги, илмий тадқиқотларда тушунчага берилган таърифлар, молиявий барқарорликни таҳлил этиши методикаси келтирилган. Мақолада молиявий барқарорлик таҳлилиниң мақсади, вазифалари, босқичлари, обьекти, субъектлари талқин қилинган. Тадқиқотлар натижасида молиявий барқарорлик таҳлилини ташкил этиши бўйича муаллиф ёндашуви шакллантирилган ҳамда унинг даражасини ошириши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** молиявий таҳлил, молиявий ҳисоботлар, молиявий ҳолат таҳлили, молиявий барқарорлик таҳлили, молиявий коэффициентлар, ўз айланма маблағлари.

### ОРГАНИЗАЦИЯ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

**Абдужаборова Маъмурат Тошмуҳамадовна -**  
доцент Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье представлено понятие финансовой устойчивости, ее содержание, актуальность темы, определения понятия в научных исследованиях, методика анализа финансовой устойчивости. В статье интерпретируются цель, задачи, этапы, объект, субъекты анализа финансовой устойчивости. В результате проведенного исследования был сформирован авторский подход к организации анализа финансовой устойчивости и разработаны рекомендации по повышению его уровня.

**Ключевые слова:** финансовый анализ, финансовая отчетность, анализ финансового состояния, анализ финансовой устойчивости, финансовые коэффициенты, собственные оборотные средства.

### ORGANIZATION OF ANALYSIS OF FINANCIAL STABILITY OF ECONOMIC ENTITIES

**Abdujaborova Mamura Toshmukhamadovna -**  
assistant professor of Banking-finance academy  
of Republic of Uzbekistan

**Abstract.** This article presents the concept of financial stability, its content, the relevance of the topic, definitions of the concept in scientific researches, methods of analyzing financial stability. The article interprets the purpose, objectives, stages, object, subjects of analysis of financial stability. As a result of the conducted research, was formed the author's approach to the organization of analysis of financial stability and recommendations for improving its level were developed.

**Key words:** financial analysis, financial statements, analysis of financial situation, analysis of financial stability, financial ratios, working capital.

**Кириш.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги унинг барқарор фаолият юритиши ва ривожланишининг кафолати ҳисобланади. Молиявий барқарорлик молиявий ресурсларнинг ҳолати, қарамлилик даражаси, фаолиятининг натижавийлиги, ҳисобкитоблар ҳолати, тўловга лаёқатлилиги, ликвидилиги, кредитга лаёқатлилиги даражасини ифодалайди.

Молиявий барқарорликнинг моҳияти молиявий ресурсларни самарали шакллантириш ва оқилона фойдаланиш билан ифодаланади. Молиявий барқарорлик хўжалик юритувчи субъектларнинг истиқболли тўловга қобилиятлилигини ифодалайди.

Муайян муддат учун молиявий барқарорликни таҳлил этиш ўз ва қарз маблағларини самарали бошқараётганлигини аниқлаш имконини беради. Бу борада ўз ва қарз маблағларининг

ҳолати хўжалик юритувчи субъектларнинг стратегик ривожланиш мақсад ва вазифаларига мос эканлигини ўрганиш лозим.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** В.С.Кудряшов “корхона молиявий барқарорлигини ўрганиш молиявий-хўжалик фаолиятининг узлуксиз жараёни ва активларга қўйилган ўз маблағларини қоплаш даражасини таъминлашни ташкил этиш имкониятига баҳо бериш имконини беради” деб ҳисоблайди [6].

И.Г.Давыденко ва бошқалар талқинига биноан “Молиявий ҳолат барқарорлигининг асосини моддий-ишлаб чиқариш захиралари қиймати ва уларни шакллантириш манбалари ўртасидаги нисбат ташкил этади. Захираларнинг манбалар билан таъминланганлиги молиявий барқарорлик моҳиятининг, тўловга лаёқатлилик молиявий барқарорликнинг ташқи намоён бўлишидир” [5].

Г.В.Савицкая “барқарор молиявий ҳолат асосий фаолият җажми, ишлаб чиқариш әхтийәтларини зарур ресурслар билан таъминлашга ижобий таъсир күрсатади” деб ҳисоблади [9].

С.Ражабов фикрига кўра, “корхонанинг барқарорлиги қанчалик юқори бўлса, бозор конъюнктурасининг кутилмаган ўзгаришларидан мустақиллик даражаси шунчалик юқори бўлади ва шунинг учун улар инқизотга учраш хавфини камайтиради” [8].

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайтида келтирилишича, “молиявий барқарорлик молиявий тизимнинг, яъни молия муассасалари, бозорлар ва бозор инфратузилмаларининг әхтимолий шоклар ва номутаносибликларга бардош бера олиши, шу билан бирга, молиявий воситачилик функцияларини бажара олмаслик әхтимолини пасайтириш қобилиятидир. Молиявий барқарорлик мақсади алоҳида молия муассасаси эмас, балки бутун молия тизими барқарорлигини таъминлашдан иборат. Молиявий барқарорлик иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш асоси ҳисобланади” [12].

О.Н.Ҳамдамов тадқиқотига биноан ““молиявий барқарорлик” тушунчаси “тўлов қобилияти” тушунчасига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, тўлов қобилияти кўрсаткичлари молиявий барқарорлик кўрсаткичларига қараганда вақтга кўра тезроқ ўзгаришини ҳам қайд этиб ўтиш лозим” [11].

М.П.Эшов тадқиқотига биноан “Молиявий барқарорлик корхона даромадлари харажатларидан барқарор ортиқ эканлигидан, корхонанинг пул маблағларини эркин манёврлаш ва улардан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш узлуксиз жараёнидан далолат берадиган тавсифномадир. Молиявий барқарорлик ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти жараёнида шаклланади ва корхона умумий барқарорлигининг асосий таркибий қисми ҳисобланади” [10].

З.О.Ахроров ва бошқаларнинг фикрига кўра, “корхоналарнинг молиявий барқарорлиги даражаси инвесторлар ва кредиторларнинг корхонага капитал қўйилмаларни қўйиш бўйича қарорларни қабул қилишда қизиқиш уйғотади. Шунинг учун корхоналар молиявий барқарорлигини бошқариш масаласи корхоналар учун дол зарбдир” [4].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида корхоналар молиявий барқарорлиги таҳлилининг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, балли баҳолаш, эмпирик тадқиқотлар, тизимли ёндашув усусларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** “Корхона молиявий барқарорлиги хўжалик юритувчи субъектнинг ички ва ташқи муҳит таъсирида ўзгарадиган активлар ва пассивлар мутаносиблигини сақлаб туриш имкониятидир. Молиявий барқарорлик таҳлили молиявий ҳолат таҳлилининг муҳим элементи ҳисобланади” [1].

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги мазмуни муайян вақт давомида фаолиятининг асосий хусусиятларини тегишли даражада сақлаб туриш имконияти билан ифодаланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, таъминот, реализация ва молиявий фаолияти натижасида молиялаштириш манбаларининг узлуксиз айланиши кузатилади, уларнинг тузилиши ўзгаради, натижада молиявий барқарорлик даражасининг ўзгариши рўй беради. Ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолияти жараёнида молиявий барқарорликни сақлаши учун мавжуд ички имкониятларни ташқи муҳит таъсири билан мувофиқлаштиришга интилиши лозим.

Молиявий барқарорлик таҳлилини қўйидаги босқичларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-жадвал):

### 1-жадвал

#### Молиявий барқарорлик таҳлилини ташкил этиш босқичлари

Босқичлар	Изоҳ
Биринчи босқич	Молиявий барқарорлик таҳлилининг мақсади, вазифалари, объекти, субъекти, методи, зарур аҳборотлар, таҳлилнинг давомийлиги, таҳлилнинг натижаларини расмийлаштириш тартиби белгиланади.
Иккинчи босқич	Таҳлил учун зарур аҳборотлар йигилади, уларнинг тўғрилиги текширилади, ўрганиладиган кўрсаткичлар таққослама ҳолатга келтирилади.
Учинчи босқич	Молиявий барқарорлик таҳлили амалга оширилади, молиявий барқарорлик даражасига таъсир этадиган омиллар аниқланади ва уларнинг таъсири баҳоланади.
Тўртинчи босқич	Молиявий барқарорлик таҳлили натижалари умумлаштирилади ва расмийлаштирилади.
Бешинчи босқич	Таҳлил натижалари асосида молиявий барқарорлик даражасини оширишнинг ички ва ташқи имкониятлари аниқланади ва тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Молиявий барқарорлик таҳлилиниң босқичларини белгилаб олиш таҳлил натижаларининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

М.В.Кутин фикрига кўра, молиявий барқарорлик таҳлилиниң мақсади корхонанинг ўз мажбуриятларини қоплаш ва узоқ истиқболда уни бошқариш ҳуқуқини сақлаб туриш имкониятини баҳолаш ҳисобланади [7].

В.С.Кудряшов тадқиқотига биноан “корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш жараёнида таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади [6]:

- молиявий кўрсаткичлар бўйича корхонанинг позициясини белгилаш. Бу корхонанинг айланма активлар билан таъминланганлиги, товар-моддий бойликлар захираларининг тўғри шаклланганлиги, қарздорликнинг оптимал даражасини белгилаш, фаолиятнинг иқтисодий ва молиявий натижаларини аниқлашга қаратилган. Корхонанинг молиявий кўрсаткичлар бўйича позициясини баҳолашнинг объектив тўғрилиги таҳлилнинг тизимли ва ўзаро боғлиқ таҳлили асосида амалга оширилади;

- молиявий фаолиятни келгусида такомиллаштиришнинг йўллари ва имкониятларини аниқлаш. Яъни корхона молиявий барқарорлиги кўрсаткичларининг критик миқдордан фарқлашини баҳолаш, унинг сабабларини ўрганиш ва корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг барча жабҳаларини яхшилашга қаратилган тегишли тавсияларни ишлаб чиқиши”.

Бизнинг фикримизча, корхона молиявий барқарорлигининг мақсади ўз маблағларининг етарлилиги, уларнинг сифатига ўрганиш орқали фаолиятни молиялаштириш имкониятларини аниқлаш ва молиявий ҳолатнинг мунтазам барқарорлигини таъминлашдир.

Мазкур мақсадни таъминлаш учун молиявий таҳлил қуйидаги вазифаларни бажаради:

молиялаштириш манбаларининг таркиби, тузилиши ва динамикасини ўрганиш;

молиялаштириш манбаларининг етарлилигини ўрганиш;

жалб этиладиган маблағларнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш;

ўз маблағларининг етарлилиги, таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва уни ошириш имкониятларини ўрганиш;

қўлланиладиган кўрсаткичларнинг тизимили таҳлилини ташкил этиш.

Куйидагилар молиявий барқарорлик таҳлилиниң объектлари ҳисобланади:

активлар ва улар манбаларининг тузилиши;

ўз ва қарз капиталининг ҳолати;

ўз айланма маблағларининг миқдори;

фаолият натижалари;

соф пул оқими.

Молиявий барқарорлик таҳлилиниң субъектлари ҳам ўз навбатида, ички ва ташқи фойдаланувчиларга ажратилади ҳамда ҳар бир субъектнинг ўз манфаатлари мавжуд.

Ички субъектлар томонидан молиявий барқарорлик таҳлили молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш даражасини ўрганиш, фаолиятнинг ожиз нуқталарини аниқлаш ва уларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш, оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ўтказилади.

Ташқи субъектлар ўз манфаатларининг қопланишини кафолатлаш, корхонанинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажариши имкониятини аниқлашни назарда тутган ҳолда молиявий барқарорлик таҳлилини амалга оширади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги таҳлили методологияси молиявий барқарорликни тавсифловчи мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар таҳлилини ўз ичига олади. Яъни молиявий барқарорлик таҳлили икки йўналишда ташкил этилади:

мутлақ кўрсаткичлар орқали: молиялаштириш манбалари билан товар-моддий захираларнинг қопланиши даражасига қараб. Мазкур ҳолатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги даражаси ўз айланма маблағларининг миқдори ва сифатига боғлиқ. “Хўжалик юритувчи субъектлар мунтазам ўз айланма маблағлари ҳажмининг динамикасига баҳо бериш билан бирга, уларни оширишнинг ички ва ташқи имкониятларини ўрганиб бориши лозим” [2];

нисбий кўрсаткичлар орқали: молиявий коэффициентлар ҳисоб-китоби. Бу йўналишда молиявий коэффициентларни ҳисоблаш ва уларнинг тизимили таҳлилини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

У.Бивер, Э.Альтман фикрига кўра, ҳеч бир алоҳида олинган кўрсаткич тўловга қобилиятлиликни баҳолай олмайди [3].

Нисбий кўрсаткичлар орқали молиявий барқарорликни баҳолашнинг камчилиги аниқланадиган кўрсаткичларни молиявий ҳисоботларнинг ҳисобот даври боши ва охирига бўлган миқдори билан аниқлашидир. Молиявий ҳисоботда ифодаланган кўрсаткичларнинг миқдори ҳисобот даври давомида турли ўзгаришларга дучор бўлади. Ушбу оралиқ ўзгаришларнинг ҳисобга олинмаслиги реал молиявий барқарорлик даражасини аниқлаш имконини бермайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, таъминот, реализация ва молиявий фаолияти натижасида молиялаштириш манбаларининг узлуксиз айланishi кузатилади, уларнинг тузилиши ўзгаради, натижада молиявий барқарорлик даражасининг ўзгариши рўй беради.

Шунингдек, молиявий барқарорлик таҳлили фақатгина молиявий ҳисоботларда ифодаланган ахборот асосида амалга оширилган ҳолатда алоҳида тармоқлар бўйича методикаларни яратиш зарурати мавжуд эмас.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигига ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Ички омилларга ишлаб чиқариш – молиявий салоҳияти, молиявий мустақиллик даражаси, хўжалик-молиявий фаолиятнинг са-марадорлиги, рақобатбардош маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш имконияти, харажатлар тузилмаси, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни тўғри бошқариш ва назорат қилиш, кадрлар салоҳияти кабилар киради.

Корхонанинг бозордаги ўрни, инвестицион жозибадорлиги, ҳамкорлар билан муносабатлар, мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳолат кабилар ташқи омилларни ташкил этади.

Молиявий барқарорлик таҳлили молиявий ҳолат таҳлили, тўловга қобилиятлилик таҳлили молиявий барқарорлик таҳлилиниң таркибий элементи ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, тўловга қобилиятлилик молиявий барқарорлик даражасига, молиявий барқарорлик даражаси корхона молиявий ҳолатига таъсир этишини англатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги унга кредит олиш, инвестицияларни жалб этиш, мол етказиб берувчиларни танлаш, кадрларни ишга қабул қилишда бошқа корхоналарга нисбатан устуворлик беради, банкротлик риски пасаяди,

унинг бозордаги ўзгаришлар таъсиридан мустақиллигининг юқори бўлишини таъминлайди.

Молиявий барқарорлик даражаси корхонанинг рақобатбардошлик даражасини белгилайди. Молиявий барқарорлик даражасини ошириш учун:

ўз маблағларининг оптимал ҳажмини белгилаш;

активларнинг (тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда) оптимал тузилмасини таъминлаш;

ишлаб чиқариш фондлари улуши ортиклигини таъминлаш;

моддий захираларнинг зарур ҳажмини белгилаш;

фаолият натижавийлигини ошириш;

тўлов календарини тузиш ва тўлов интизомига риоя қилиш;

ўз ва қарз маблағларининг мутаносиблигини таъминлаш лозим.

Ўз маблағларининг етарлилиги, активларни тўғри жойлаштириш ҳамда уларнинг ликвидилиги, оптимал рентабеллик даражаси мутлақ молиявий барқарорликнинг асосий белгиларидир. Ўз навбатида, мутлақ молиявий барқарорлик ишлаб чиқариш ва сотиш режаларининг мунтазам бажарилиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, молиявий барқарорлик корхона ишлаб чиқариш са-марадорлиги ва молиявий натижалар билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши, фаолият натижаларининг зарарлилиги молиявий барқарорлик даражасининг камайишига олиб келади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдузаборова М.Т. Молиявий барқарорлик таҳлили. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фаргона, 2019, 163-164-бетлар.
2. Абдузаборова М.Т. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги таҳлили. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" илмий-электрон журнали. 2022 йил маҳсус сон. 141-146-б.
3. Altman E.I. Zeta Analysis: A New Model to Identify Bankruptcy Risk of Corporation. / E.I.Altman, R.G.Haldeman, P.Narayanan. // Journal of Banking and Finance. 1977. Beaver W.H. FinancialRationsandPredictionsofFailure. / W.H.Beaver. // Empirical Research in Accounting Selected Studies, Supplement to Journal of Accounting Research. 1996.
4. Ахроров З.О., Жалилов Ш. Корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлаш масалалари. Рисола. – Самарқанд, 2017. 28-б. <http://www.lib.jizpi.uz>
5. Давыденко И.Г., Алешин В.А., Зотова А.И. Экономический анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. – М.: Кнорус, 2019.
6. Кудряшов В.С. Теоретические и методические аспекты анализа платежеспособности финансовой устойчивости предприятий. Стратегии бизнеса. № 12(32), 2016. С. 11-19.
7. Кутин М.В. Сущность, цели и задачи определения уровня финансовой устойчивости предприятия. // Вестник современных исследований. 2019. № 1(10). С. 189-192.
8. Ражабов С. Молиявий барқарорлик тушунчасининг назарий асослари ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлили. // Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016.
9. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. – М.: Инфра-М, 2009. – 538 стр.
10. Эшов М.П. Молиявий барқарорликни таъминлаш – корхона қийматини оширишининг асосий омили. // Илм-фан ва инновацион ривожланиши. 2019. № 5. 6-13-б.
11. Ҳамдамов О.Н. Акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий мененежментнинг аҳамиятини оширии истиқболлари. // Иқтисод ва молия. 2021, 6(142). 29-35-б.
12. <https://www.cbu.uz>